



Федерал атроф муҳит,
табиатни муҳофаза қилиш
ва ядро реакторлари
хавфсизлиги вазирлиги



Succow
Stiftung



INTERNATIONAL
CLIMATE INITIATIVE (ICI)



Deutsche Gesellschaft
für Internationale
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH

томонидаги қўллаб-қувватланмокда

«Ердан фойдаланишда экотизимли ёндашув ва Амударё қуйи
оқимидаги экотизимларни сақлаш» Лойиҳаси

Матн: Йонатан Этцолд, Юдит Клойбер
Таржимон: Тошпўлат Ражабов

ТЎҚАЙ ЎРМОНЛАРИНИНГ ЁШАРИШИГА ЁРДАМ БЕРИНГ



Кириш

Тўқай Ўрта Осиёдаги ноёб ва йўқолиш арафасида турган экотизимлардан саналади. Ҳаддан ташқари антропоген таъсир оқибатида 90 % дан ортиқ тўқайлар қисқариб кетган. Тўқай юқори биохилма-хиллик хусусиятига эга бўлиб, маҳаллий аҳолини кўплаб экотизим хизматлари билан таъминлайди. Энг муҳимлари сифатида дарё қирғоқларини барқарорлаштириш мақсадида қум ва тупроқларни ушлаб қолиши, шамол эрозиясидан ҳимоя қилиши, ўтин ва ёғоч, доривор ўсимликлар ва бошқа ёғоч бўлмаган ўрмон маҳсулотлари билан таъминлаши кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ёшаришга бўлган эҳтиёж ва хавф-хатарлар

Экология

Қайир ўрмонларининг сув билан таъминланиши муҳим масала. Сув тошқини тез ўзгарувчан қайир экотизимларида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Умуман, тўқай ўрмонларининг ўсимликлар қоплами табиий сув тошқини режимига мослашган ва эрта ёз фаслида қорларнинг эриши ҳисобига сув тошқинининг юқори даражага чиқиши одатий ҳол ҳисобланади. Генератив ёшариш, айниқ-

са, туранға ва туранғил ўрмонларида фақат янгидан сув босган майдонларда содир бўлади. Сув тошқини натижасида дарахт уруғларининг униб чиқиши учун қулай шароит яратилади. Бу пайтда, яъни эрта ёз фаслида қисқа муддат яшовчи уруғлар етилган ҳисобланади ва униб чиқиш қобилиятига эга бўлади (*1-расм даги яшил изларга қаранг*).

3-расмдаги сунъий йўлдош суратларидан маълумки, ҳозирги ўрмон қопламаси асосан аввалги дарё қўлтиқлари ва кўлмаклариди учрайди ва у ердаги мавжуд дарахт туплари узоқ ўтган даврдаги сув тошқини ҳодисалари натижасида униб чиққан бўлиши мумкин. Ҳақиқатда, кўпгина

дарахт туплари, айниқса, ҳозирги дарё қирғоқлари ва илгариги кўлмаклардан узоқда тарқалган дарахтлар авваллари униб чиққан дарахтларнинг клонал (она дарахт атрофида илдиз бачкилари ёрдамида вегетатив кўпайиш) авлодидир.



1- ва 2-расм. 2017-йилдаги сув тошқини Назархон қўриқхона зонасидаги кўлмак канал бўйидаги (чапда, 14.06.2018) ва Амударё қирғоғи яқинидаги Бадай Тўқай қўриқхона зонасидаги (ўнгда, 13.06.2018) туранға, ингичка баргли жийда ва юлғун (яшил излар) ларнинг униб чиқишига имкон яратди.

Хавф-хатарлар

Дарёларни тўғонлар орқали бошқариш дарё ўзанининг ўзгаришига олиб келади. Ҳозирда мавжуд тўқай ўрмонларида сув тошқини камайган ва сувнинг етиб келиши секинлашган. Бу эса ўрмонларда сув танқислигини келтириб чиқаради ва

ўз навбатида, ер ости сувларининг сатҳи пасаяди. Оқибатда, ўрмонларнинг янгилиниши ва ёш дарахтларнинг униб чиқиш ҳодисалари рўй берадиган майдонлар янада камайиб кетган.



3-расм. Ўсимлик қопламининг тузилиши ёрдамида худди ҳозирги тўқай ўрмонлари каби аввалги дарё қўлтиқлари ва қўлмақларини ҳам кўриш мумкин (расмда Бадай Тўқай қўриқхона зонасининг тахминий чегараси (сабзиранг чизиқ)).

Қолаверса, чорва моллари ва Бухоро буғусининг ўтлаши ўрмонларнинг ёшаришига тўсқинлик қилади.

Шунингдек, ўтлатиш оқибатида сийраклашиб ёки очилиб қолган ўрмонларда микроклим ўзгаради, ўрмонлар янада куруклашади, сув танқислигидан кўпроқ азият чекади ва шу сабабли ҳашаротларнинг салбий таъсири ва ёнғинга нисбатан чидамлилиги сусаяди.

Генератив ёшариш содир бўлмаган майдонларда (бўлганда ҳам гене-

тик бир хил бўлган клонлар орқали вегетатив кўпайиш) генетик хилма-хиллик ҳам пасаяди, бу эса экотизим қобилятининг атроф-муҳит ўзгаришларига бўлган мослашишини камайтиради.

Ёшариш ёки янгиланиш содир бўлмаган ҳолатларда ўрмонлар қарийди ва охир-оқибатда йўқолиб кетади. Одатда, дарахтлар 100 йилдан ортиқ яшамайди ва шароит ёмонлашгани сари тезроқ нобуд бўлиб бораверади.

Тўқай ўрмонларининг ёшаришига ёрдам беринг



4- ва 5-расм. Бадай Тўқай қўриқхона зонасида туранганинг вегетатив (чапда) ва генератив (ўнгда) янгиланиши буғуларнинг ҳаддан зиёд ўтлаши оқибатида тўсқинликка учрамоқда (13.06.2018).

Тўқай экотизимларининг тикланишини оширишда экотизимга асосланган мослашиш чора-тадбирлари

Узоқ муддатда табиий сув тошқини режимини қайта тиклаш тўқай экотизимлари яшовчанлигини кафолатлашда муҳим омил ҳисобланади.

Аммо қисқа муддатларда тўқай ўрмонларига яна бир нарса, яъни ўрмонларнинг табиий қайта тикланиш қобилятини ҳимоя қилиш ёрдам беради. Бунда ёш ниҳоллар униб чиқадиған

майдонларни ва кўпгина ўрмон ҳудудларида учрайдиган она дарахт атрофларида клонал тарзда ўсиб чиққан новдаларни ўтлашга қарши турли катта ва кичик чора-тадбирларни қўллаш орқали ҳимоя қилиш мумкин. Бу тадбирлар нафақат муҳофаза қилинадиган ҳудудларда, балки бошқа жойларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кўриладиган чора-тадбирлар

→ Тўқай ўрмонларини доимий равишда мониторинг қилинг ва генератив янгиланаётган ҳамда вегетатив янгиланиш учун яхши имкониятга эга бўлган майдонларни аниқланг. Ер ости сувларининг сатҳига, мавжуд сув ҳавзасигача бўлган масофага ва сув босиш имкониятига эга бўлган майдонларга (дарё қирғоқлари ва каналлар яқинида, оролларда ва ҳ.к.) эътибор беринг.

→ Энг оддий ва арзон усул бу катта-роқ шох-шаббаларни ёш дарактларнинг яқка новдалари (ниҳоллар ёки илдиз бачкилари) атрофига жойлаштириш ва бу чорва моллари ва буғуларнинг ўтлашидан холи ҳолда ўсишига имкон беради.

→ Мос бўлган каттароқ майдонлар (дарё қирғоқларини барқарорлаштириш учун кўпгина илдиз бачкилари ўсадиган қирғоқлар ёки уларга яқин бўлган майдонлар) ни сим тўсиқлар билан ўраш. Бунда энг арзон усул шох-шаббалардан ясаладиган тўсиқлар қуришдир (6-расмга қаранг). Бу тўсиқларнинг афзаллиги шундаки, ёш ниҳоллар даракт ҳолатига етиб, чорва моллари ўтлашига қарши тура оладиган даражага етгандан кейин тупроққа қўшилиб чириб кетади. Бундан ташқари одатий метал симтўр тўсиқлардан ҳам фойдаланиш мумкин (7-расмга қаранг) ёки экологик жиҳатдан мақбул бўлган усул — ёғоч устунларга мустаҳкамланган бир неча қатор узун сим



6-расм. Шох-шаббалардан ясаладиган тўсиқлар.



7-расм. Метал симтўр тўсиқлар.

тортиш мумкин ва кичик ёввойи ҳайвонлар бу симлар орасидан ўтиб юриш имконига эга бўлади (8-расмга қаранг).

→ Энг мураккаби, кўчатхоналарда етиштирилган тўқай ўрмонлари даракт турларини қўшимча равишда экишдир. Бу усул очик қолган ёки қари даракт тупларидан (асосан

клонал тарзда) иборат генетик хилма-хиллиги паст бўлган ўрмонлар учун фойдалидир. Бу ҳам албатта биринчи йиллари тўсиқ билан ўрашни ва суғоришни талаб қилади. Аммо энг мақбул биринчи қадам бу қулай шароитларда табиий равишда ўсишга «қарор қилган» дарактларни асрашдир.



8-расм. Ёғоч устунларга мустаҳкамланган бир неча қатор узун сим тўсиқ.

Муқовадаги сурат: Амударёнинг инқирозга учраган қирғоқлари ва унинг асосан туранға билан генератив янгилиниши

Сурат муаллифлари: Й. Этцолд, охириги 2 таси Е. Кан

ТЎҚАЙ ЎРМОНЛАРИНИНГ ЁШАРИШИГА ЁРДАМ БЕРИНГ

Матн: Йонатан Этцолд, Юдит Клойбер
Таржимон: Тошпўлат Ражабов